

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ 27.06.2017.Қх.42.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҒАЛЛАОРОЛ ИЛМИЙ-ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

**НУРБЕКОВ АЗИЗ ИСРАИЛОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ШАРОИТИДА  
РЕСУРСТЕЖАМКОР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА АСОСЛАНИБ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик  
06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Нурбеков Азиз Исраилович**

Марказий Осиёнинг суғориладиган шароитида ресурстежамкор қишлоқ хўжалигига асосланиб қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш..... 3

**Nurbekov Aziz Israilovich**

Cultivation of agricultural crops under conservation agriculture in irrigated conditions Central Asia..... 27

**Нурбеков Азиз Исраилович**

Возделывание сельскохозяйственных культур при применении ресурсосберегающих технологий в Центральной Азии..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works  
Список опубликованных работ..... 51

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ 27.06.2017.Қх.42.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҒАЛЛАОРОЛ ИЛМИЙ-ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

**НУРБЕКОВ АЗИЗ ИСРАИЛОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ШАРОИТИДА  
РЕСУРСТЕЖАМКОР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА АСОСЛАНИБ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик  
06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DScQx94 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) веб саҳифасининг [www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Халилов Насриддин Халилович,**  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:** **Ибрагимов Назар Мадримович,**  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

**Саломов Шавкат Турабович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

**Бобоев Саидмурод Кимсанбаевич,**  
биология фанлари доктори.

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги 27.06.2017.Қх.42.01. рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й ЎзПИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й ЎзПИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Б.М.Халиков,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, к.х.ф.д., профессор.

**Ф.М.Хасанова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим.

**Ж.Ахмедов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё деҳқончилигида сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини интенсив етиштириш технологиясини жорий қилиниши натижасида, тупроқ деградацияси давом этаётгани ва кенг тарқалаётгани, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш салоҳияти ва барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Деҳқончиликдаги бундай салбий жараёнларнинг олдини оладиган, бартараф қиладиган, қишлоқ хўжалигида тупроқни химояловчи ва ресурс тежовчи технологиянинг бутун дунё бўйлаб жорий этилиши 179.5 млн. гектарни ташкил қилади, бу эса барча қитъалар ва қишлоқ хўжалиги экологик ҳудудларидаги ҳайдаладиган ерларнинг 12 фоизини қамраб олган<sup>1</sup>. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга бўлган эҳтиёжларни келажакда тўла қондириш учун тупроққа ишлов бермай экин экиш, ўсимлик қолдиқларини тупроқни устки қатламларида қолдириш, экинларни диверсификация қилиш ва бошқа чораларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Дунё миқёсида ўзгариб турувчи иқлим аниқ бир меъёрга эга бўлмаган ёмғирлар, совуқ қиш, қуруқ ва иссиқ ёз, шўрланиш экинлар ҳосилдорлигининг барқарор ошишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигида ресурс тежовчи ва тупроқни химояловчи технологиялар қўлланилганда ҳосилдорлик 10% юқори бўлиши билан биргаликда сувдан самарали фойдаланиш коэффициенти 30 фоизгача ошганлиги ва гумус миқдори йиллар давомида 5 – 10% ортганлиги аниқланган. Қайд этилган маълумотлар Марказий Осиёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга, минтақа тупроқ-иқлим шароитларини, навларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда тупроққа ишлов бериш, экиш меъёр ва муддатларини мақбуллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Агротехник тадбирларни мақбул муддатларда ва сифатли ўтказиш экинлар ҳосилдорлигига ижобий таъсири этиши тадқиқотларда исботланган. Экинлар тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи технологияларни қўллаган ҳолда тўғридан-тўғри экиш усули орқали етиштирилганда энергия, ресурслар тежалади, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти таннархи анча паст бўлади. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш учун тупроққа ишлов бермай экин экиш, ўсимлик қолдиқларини тупроқни устки қатламларида қолдириш, экинларни диверсификация қилиш ва бошқа чораларни амалга ошириш зарур.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида соҳаси бўйича қабул қилинган қарорлар ва фармонлар экинлар хилма-хиллигини жорий этиш орқали юқори сифатли, рақобатбардош, нархи ҳамёнбоп маҳсулотлар ишлаб

---

<sup>1</sup> [www.fao.org](http://www.fao.org)

чиқаришга, ички ва ташқи бозорларга чиқиш учун юсак потенциалга эга қишлоқ хўжалик тизимларини ривожлантиришга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли «2016 – 2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида экинлар турини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштиришнинг узок муддатли стратегияси белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида кўзда тутилган ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. "Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" устивор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Бугунги кунда ердан фойдаланишнинг энг истиқболли усулларида бири бўлган қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи технологияларни яратишга қаратилган илмий изланишларни дунё тан олган халқаро илмий марказлар жумладан, International Centre Agricultural Research in the Dry Areas (Ливан), International Maize and Wheat Improvement Center (Мексика), International Crops Research Institute for the Semi-Arid Tropics (Ҳиндистон), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), International Institute of Tropical Agriculture (Нигерия), International Center for Tropical Agriculture (Колумбия), International Rice Research Institute (Филиппин), Bioversity International (Италия), University of Cordoba (Испания), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимоя қилувчи ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича жаҳонда олиб борилган бир қатор жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи технологияларни қўллаш орқали бир йилда икки марта ҳосил олиш билан бирга ердан унумли фойдаланиш бўйича ижобий натижалар олган (Rice-Wheat Consortium for the Indo-Gangetic Plains); тўғридан-тўғри экиш орқали экинлар етиштирилганда тупроқда гумус миқдори ошганлиги аниқланган (Brazilian Agricultural Research Corporation); алмашлаб экиш тизимида дуккакли экинларнинг ўрни ва ўсимлик қолдиқларининг тупроқ унумдорлигига ижобий таъсири исботланган (Pakistan Agricultural Research Council); экинларни доимий пуштага экиш орқали етиштиришда сувдан самарали фойдаланиш коэффициентини ошириш технологиялари ишлаб чиқилган (Borlaug Institute for South Asia); тупроққа ишлов бермасдан экин

етиштиришда ўсимлик қолдиқларининг ҳосилдорликка ва тупроқдаги намга ижобий таъсири аниқланган (Grains Research and Development Corporation).

Бугунги кунда жаҳонда қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимоя қилувчи ва ресурс тежовчи технологиялардан тўғри фойдаланиш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш амалиётида ўғитларнинг таъсирини ишлаб чиқиш; суғориладиган шароитда такрорий экинларни етиштиришда сувдан самарали фойдаланишни ошириш; қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида қишлоқ хўжалигида ресурс тежовчи технологияларни такомиллаштириш; тупроққа ишлов бермасдан экин етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Марказий Осиёда Қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимоя қилувчи ва ресурс тежовчи технология амалиётлари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар нисбатан кам ва улар ҳали ҳам бошланғич босқичда. Шунга қарамадан, қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимоя қилувчи ва ресурс тежовчи технологиянинг Марказий Осиёда, шу жумладан Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда фойдаланилаётган ерларнинг таназзулга учрашига таъсирини ўрганиш бўйича бир нечта ҳамкорлик лойиҳалари ишлаб чиқилган. Охирги ўн йил мобайнида "қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимоя қилувчи ва ресурс тежовчи технология" атамаси Марказий Осиё мамлакатлари илмий-тадқиқот жамоаларига кириб борди. Марказий Осиёнинг суғориладиган шароитида кенг миқёсда қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимоя қилувчи ва ресурс тежовчи технологияга эътибор қаратилиши ҳосилнинг ошиши ва бу усулнинг молиявий жиҳатдан фойдалигига амин бўлиш имконини бермоқда.

Марказий Осиёда лалми ерларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи технологияларни қўллаш бўйича Сулейменов ва бошқалар (2004, 2007), Бараев (2008), Двуреченский (2010), Sydyk and Isabekov, (2008, 2009) илмий тадқиқотлар ўтказишган. Ўзбекистонда Халилов (1994), Холиқов (2012), Ҳасанова (2010), Пўлатов (2001 ва 2012), Рустамов (2004), Эгамбердиев (2007), Tursunov (2009), Devkota M (2011), Devkota K (2011) тупроққа ишлов бериш ҳамда пуштага экиш усулларининг, алмашлаб экиш тизимларининг, тупроқ унумдорлигига ва экинлар ҳосилдорлигига ижобий таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб боришган. Аммо ҳозирга қадар тўғридан-тўғри экишнинг қишлоқ хўжалик экинларини экиш муддатлари ва меъёрларига, ўғитлар меъёрига алмашлаб экиш тизимидаги экинларнинг ҳосил структурасига ва ҳосилдорлигига таъсири экинлар кесимида ўрганилмаган, тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи технологияларни комплекс ишлаб чиқиш, такомиллаштириш бўйича илмий ишлар бажарилмаган ёки тизимли равишда ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚҲА-9-054-2015. "Лалмикор майдонларда ғалла-шудгор алмашлаб экиш

схемалари тизимида тупроққа ишлов бериш, ўғитлар, кимёвий химоя воситаларидан самарали фойдаланиш ҳамда тупроқ унумдорлиги оширишни таъминлайдиган технологияларини такомиллаштириш", АЗ-ФҚ-1-14933. "Суғориладиган ва лалмикор майдонларда ғалла, дуккакли, ем-хашак ва полиз экинлари етиштиришда қўлланиладиган машина ва техника воситалари ҳамда ресурстежамкор технологиялар тизимини ишлаб чиқиш", ҚХА-9-117. "Тоғли лалмикор майдонларда тупроқларни сув эрозиясидан химоя қилишни, ёғин-сочин ва сел сувларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган агромелиоратив ва агротехнологик тадбирлар мажмуини такомиллаштириш" лойиҳалари, жумладан, халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилган лойиҳалар: "Қорақалпоғистоннинг қурғоқчил минтақаларида барқарор қишлоқ хўжалиги амалиётлари" ва "Озарбайжон, Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистондаги суғориладиган майдонларда ресурстежамкор қишлоқ хўжалиги", шунингдек ИФАД томонидан молиялаштирилган "Шимолий Африкада ва Марказий Осиёда дон етиштиришга асосланган тизимларни барқарор тарзда интенсифлаштириш учун интеграциялашган дон-чорвачилик ресурстежамкор қишлоқ хўжалиги" ва Россия ҳукумати томонидан молиялаштирилган ИКАРДА минтақавий офисида "Иқлим ўзгариши шароитида Марказий Осиёда барқарор ва эгилувчан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантириш бўйича қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқотлари маслаҳат гуруҳининг Марказий Осиё ва Кавказ (ҚХИТМГ-МОК) ҳамкорликдаги тадқиқотлар ва салоҳиятни ошириш дастури" лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Марказий Осиёда суғориладиган деҳқончилик тизимларида қишлоқ хўжалигида тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи технологиялар асосида ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиётининг қишлоқ хўжалиги экинлари ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва тупроқ унумдорлигига таъсирини қиёслаш ва ишлаб чиқаришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

суғориладиган майдонларда кузги буғдой ҳосилдорлигига тупроққа ишлов бериш усуллариининг таъсирини ўрганиш;

ўсимликларни етиштиришда сувдан самарали фойдаланиш учун суғориш технологияларини ўрганиш орқали сувдан унумли фойдаланиш;

экиш муддатининг экиннинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги, қўлланилган усул самарадорлигига таъсирини ўрганиш;

тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш амалиётини татбиқ этиш орқали ғалла-дуккакли дон экинларни етиштиришнинг қисқа муддатли алмашлаб экиш тизимида имкониятларини ўрганиш;

тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш орқали экинларни етиштиришда турли уруғ меъёрларини экинлар ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш;

ўғитлаш микдори ва муддатини экиннинг ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;

суғориладиган шароитда такрорий экинларни етиштириш орқали ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;



тупроққа ишлов бермасдан экин етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** суғориладиган майдонларда тупроққа ишлов бериш ва экиш усуллари, уруғ экиш ва ўғитлаш меъёри, экиш муддати, алмашлаб экиш, такрорий экишни қўллаш ва такомиллашган суғориш технологиялари, кузги буғдой, маккажўхори, мош, африка тариғи.

**Тадқиқотнинг предмети** алмашлаб экишни қўллаш ва қишлоқ хўжалигида ресурстежовчи, тупроқ унумдорлигини ошириш, жумладан, тупроққа ишлов бермай тўғридан-тўғри экиш ва ўсимлик қолдиқларини ерда қолдириш, шунингдек, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, бегона ўтларга қарши курашиш, ердан фойдаланиш самарадорлиги ва қишлоқ хўжалигида ресурс тежовчи ва тупроқни ҳимояловчи технологияларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Фенологик кузатувлар ва биометрик таҳлиллар “Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг услуги” (1989), тупроқ ва ўсимлик намуналарининг таҳлили «Методы агрохимических анализов почв и растений в Средней Азии», тупроқдаги гумус миқдори Тюрин усулида, ГОСТ 26213-91, фосфорнинг мобил бирикмалари ва алмашинадиган калий Мачигин усули бўйича, ГОСТ 26205-91, маълумотларнинг статистик таҳлили (ANOVA) барча вариантлар учун, қимматли-хўжалик белги хусусиятлари, шу жумладан, ҳосилдорликни таҳлили бўйича бажарилди. Барча статистик таҳлиллар Genstat 18-нашри (Genstat-2017)дан фойдаланиб ўтказилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор тупроққа ишлов бермасдан уруғларни экиш, ўсимлик қолдиқларини тупроқ юзасида қолдириш, янги алмашлаб экиш тизимларини қўллаш бўйича тадқиқотларда янги технологияни анъанавий, минимал ишлов бериш технологиялари билан қиёсланиб унинг илмий, экологик, иқтисодий жиҳатдан афзалликлари исботланган;

Ўзбекистон ва қўшни мамлакатларда суғориладиган ерларда тупроқни ҳимоя қилувчи ҳамда ресурстежамкор экинларни етиштириш янги технологиялари минтақалар тупроқ-иқлим шароити, экинлар турлари, навлари, биологик хусусиятларига мос ҳолда илмий асосда ишлаб чиқилган;

тадқиқотларда янги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда қисқа ротацияли ғалла-дуккакли дон экинлари алмашлаб экиш тизимлари ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг ресурстежамкор қишлоқ хўжалигида экинлардан мўл сифатли ҳосил олишга тупроқ унумдорлигини ижобий таъсири асосланган;

Тожикистонда африка тариғи, Ўзбекистонда соя, Қозоғистонда мош экинлари тупроққа ишлов бермасдан экиш усулида етиштирилиб уларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, ҳосил структураси аниқланган;

Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг биоиклим ресурсларидан фойдаланишни тўлароқ таъминлайдиган ҳолда ресурсларни тежашни, тупроқ унумдорлигини оширишни, тупроқ деградациясининг олдини олишга имкон берадиган янги технологик тизимни агрономик, экологик, иқтисодий

жиҳатлари таҳлил қилинган ҳолда назарий йўналишлар истиқболлари илмий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:** буғдой ҳосилидан бўшаган анғизга тупроққа ишлов бермасдан доимий пуштада экинларни етиштиришнинг қишлоқ хўжалик экинлари ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил структурасига таъсирини амалий жиҳатлари таҳлил қилинган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тавсия этилган;

буғдой-дуккакли дон экинлари алмашлаб экиш тизими Марказий Осиёнинг суғориладиган шароитида тупроқни ҳимоя қиладиган ресурстежамкор технологияни қўлланилиши қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида экинлар ҳосилдорлигини 25 фоизгача оширганлиги исботланган;

янги ишлаб чиқилган технология суғориладиган майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини, тупроқдаги гумус миқдорини оширганлиги аниқланган;

суғориладиган ерларда доимий пуштага экилган дуккакли дон экинлар ва уларнинг қолдиқлари кузги буғдой етиштиришда 27–33% сувнинг тежалишини таъминлаган;

тўғридан-тўғри экиш натижасида экиннинг эҳтиёжига қараб азотли ўғит меъёри оптималлаштирилган ва ундан фойдаланиш самарадорлиги ошганлиги аниқланган;

маккажўхорида юқори ҳосил шаклланишини таъминлайдиган мақбул экиш муддати ва меъёри аниқланган;

тупроққа ишлов бермасдан ҳосил етиштиришга асосланган ресурстежамкор технология тупроқнинг кимёвий, тупроқ зичлиги, сув сингуачанлигини яхшилаши ва тупроқдаги протеаза ферментининг фаоллашувини таъминлаган;

ишлаб чиқилган ва жорий этилган мазкур технология анъанавий экинларни етиштириш технологияларидан устунлиги ресурсларни тежаши, экинлар диверсификациясини амалга оширилишини, фермерлар даромадларини кўпайишига кўмаклашиши тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий жиҳатдан ва тажриба йўли билан назарий ва амалий усуллардан расмий манбалар асосида фойдаланилганлиги ва замонавий тадқиқот усуллари (тупроққа ишлов бермай тўғридан-тўғри экиш, ўсимлик қолдиқларини ерда қолдириш ва ҳ.к.) ёрдамида тасдиқланган. Экспериментал маълумотларга статистик ишлов бериш, хато, ўртача, ишончлилик интерваллари, стандарт чекланишни ҳисоблаш "Genstat" дастури ва *Anova* дастурий пакети асосида стандарт усуллар ёрдамида олиб борилганлиги билан асосланди.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ресурстежамкор технологияларни қўллаган ҳолда асосий ва такрорий экинларни пуштага экиш ва ерга минимал ишлов бериш технологияларини қўллашда экинлар, навлар кесимида экиш муддатлари, меъёрлари, ўғитлаш, сувни тежашни оптималлаштиришнинг, тупроқ унумдорлигига ижобий таъсирини илмий асосларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тупроқдаги органик моддаларни кўпайтириш, экинлар ҳосилдорлигини оширишда, дон-дуккакли, дон экинлари алмашлаб экиш тизими Марказий Осиёдаги суғориладиган ерлар шароитда мақбул технология бўлиб, минтақанинг фермер хўжаликларида экинларни тупроққа ишлов бермай тўғридан-тўғри экиш амалиётига асосланиб қисқа муддатли алмашлаб экиш усули тавсия этилган. Тавсия этилаётган янги технологияда ёқилғи ва уруғлик сарфи, экинларни етиштиришдаги бошқа харажатлар қисқаради ва фермерларнинг оладиган даромади миқдори ортади. Қишлоқ хўжалигида тупроқни химоя қилувчи ва ресурс тежовчи технологиялар жорий қилиниши асосида тўпланган тадқиқот маълумотлари Марказий Осиёда барқарор деҳқончилик тизимлари жорий этилишига ижобий таъсир кўрсатган ва минтақада янада кенг кўламда тарқатиш учун тайёр ҳолатга келтирилишига кўмаклашган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Марказий Осиёнинг суғориладиган шароитида қишлоқ хўжалигида ресурстежовчи технологияларни қўллаш орқали экинларни етиштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижаси асосида:

кузги буғдой, соя ва мош экинларини тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри, доимий пуштага экиш, уруғ экиш чуқурлиги, муддати ва ўғит меъёрлари ҳамда муддатлари асосида етиштириш технологиялари Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятининг фермер хўжаликларида жами 1374 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 31 январдаги 02/20–44–сонли маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалик экинларини ресурстежовчи технологиялар билан етиштиришда ёқилғи–мойлаш материалларини 80 фоизга иқтисод қилинган ва ҳосилдорлик 15 фоизгача ошган, иқтисодий самарадорлик гектарига 1,0–3,0 млн. сўмни ташкил этган;

маккажўхори, кузги буғдой ва мош экинларининг қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизими ресурстежовчи технологиялари Жанубий Қозоғистон вилоятидаги Қазифурт ва Сайрам туманларидаги фермер ҳамда ширкат хўжаликларида жами 2783 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 31 январдаги 02/20–44–сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида кузги буғдой, маккажўхорини ерни ҳайдамасдан, уруғлар тўғридан-тўғри экувчи сеялка билан экилганда ҳосилдорлик анъанавий экиш усулига нисбатан 20–25 фоизга юқори бўлиши билан биргаликда гектаридан 736,5 АҚШ доллари миқдорида фойда олишга эришилган;

доимий пуштага ва тўғридан-тўғри экиш технологиялари асосида етиштирилган кузги буғдой, мош ва африка тарифи Тожикистоннинг Хатлон вилоятидаги Данғара ва Ҳисор туманидаги фермер хўжаликларида жами 500 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 31 январдаги 02/20–44–сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида пуштага ва тўғридан-тўғри экиш технологияларини қўллаш орқали уруғ 50 фоизга иқтисод қилинган ва суғориш суви 30 фоизга тежалган ва ҳосилдорлик 15–20 фоизга ошишига эришилган;

суғориладиган ерларда тупроқни ҳимоя қилувчи ва ресурстежовчи технологиялар Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон Республикалари фермер ва ширкат хўжалиқларида жами 4657 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлигининг 2017 йил 31 январдаги 02/20–44–сонли маълумотномаси). Марказий Осиёнинг суғориладиган шароитида тупроқни ҳимоя қилувчи ва ресурстежовчи технологияларни қўллаш натижасида ҳосилдорлик гектарига 15–20 фоизга юқори бўлган ва ёқилғи–мойлаш материаллари 80 фоизгача иқтисод қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Қишлоқ хўжалиғида тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи технология амалиётлари юзасидан тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та мақола эълон қилинди, шу жумладан, илмий журналларда 11 та ва 17 конференция материаллари тўпламларда, Олий аттестация комиссияси рўйхатида кирган журналда 11 мақола, жумладан, олти та маҳаллий ва бешта халқаро журналларда мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТУЗИЛИШИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиғи ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиғи кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиғи ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Марказий Осиёда ресурстежамкор қишлоқ хўжалиғи**» деб номланган олти та бўлимдан ташкил топган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Бу бобнинг биринчи қисмида Марказий Осиё қишлоқ хўжалиғида тупроқни муҳофаза қилувчи ва ресурс тежовчи технологияни тарихи ва жорий этиш ҳолати кўриб чиқилган. Қишлоқ хўжалиғида тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи технологиялар бўйича олинган натижалар асосан тадқиқот институтларида жамланган бўлиб, бу технологиянинг принциплари ва амалиётларини Шимолий Қозоғистоннинг лалмикор шароитларидан ташқарида бўлган ишлаб чиқариш тизимларига интеграциялашга қаратилган. Қишлоқ хўжалиғида тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи технологияларда тупроқ сифати бўйича биринчи бобнинг иккинчи бўлимида адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, ишлов беришнинг камайиши тупроқдаги органик моддаларни кўпайтиради. Қишлоқ хўжалиғида тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи технологиялар амалиётларининг таъсири биринчи бобнинг 3–чи бўлимида берилган. Биринчи бобнинг тўртинчи


бўлимида: озиқа моддаларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича кўриб чиқилган адабиётлар қишлоқ хўжалигида тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи технологиялар амалиёти ўғитларга эҳтиёжни камайтиришини кўрсатади. Алмашлаб экиш, такрорий экинлар ва бегона ўтларга қарши курашиш масалаларига бағишланган адабиётлар шарҳи биринчи бобнинг бешинчи бўлимида тавсифланган. Ва ниҳоят, олтинчи бўлимда қишлоқ хўжалигида тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи технологияларнинг иқтисодий кўрсаткичлари кўриб чиқилган ҳамда бу борадаги ҳисобот жуда оз миқдорда мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот участкалари тавсифи, материаллар ва усуллар**» номли иккинчи бобида ҳар бир мамлакатдаги тадқиқот участкалари тупроқ ва иқлим шароитлари тавсифи келтирилган. Тупроқ намуналарининг кўрсаткичлари Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институтида (ЎЗР ФА, 1973 йил) ишлаб чиқилган услуб бўйича таҳлил қилинган. Тупроқдаги асосий элементлар Гранвалд-Ляжу ва Мачигин усуллари ёрдамида аниқланган. Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистондаги тадқиқот жараёнлари давомида кузги буғдой, соя, маккажўхори, африка тариги ва мош каби бир қанча қишлоқ хўжалик экинлари ўрганилган. Дала тажрибалари тўртта қайтариқда рендомизация қилинган ҳолда амалга оширилган. Вариантлар таъсирини аниқлаш учун *ANOVA* таҳлиллари қўлланилган. Маълумотлар GenStat дастурининг 18-нашри ёрдамида статистик таҳлил қилинган.

«**Тупроққа минимал даражада механик ишлов бериш**» деб номланган учинчи бобида Марказий Осиёдаги суғориладиган шароитда тупроққа ишлов беришнинг турли экинлар ҳосилдорлигига таъсирига бағишланган. Тупроққа ишлов бермасдан экилганда кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги бошқа вариантларга қараганда юқори бўлган. Энг юқори ҳосилдорлик 2007 йилда қайд этилди ва ерга ишлов бериш бўйича ҳосил 2,23–2,83 т/га оралиғида бўлди. Мутлоқ юқори ҳосилдорлик тупроққа анъанавий ишлов бериш ва тупроққа умуман ишлов бермаслик (2,83 т/га) усулларида 2007 йилда кузатилди. Кузги буғдой ҳосили тупроққа ишлов бермасдан экиш усулида барқарор тарзда ошиб борганлиги кузатилди.


**Қорақалпоғистон шароитида буғдой уруғининг экиш чуқурлиги.** Қорақалпоғистоннинг кескин иқлим шароитида уруғ экиш чуқурлиги жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки қишки ҳарорат  $-45^{\circ}\text{C}$  гача пасайиши мумкин. Қулай шарт-шароитларда кузги буғдой тупроқ сатҳидан камида 2 см, чуқурликда экилган бўлиши керак. Ҳар бир вариантда уруғлар тўлиқ униб чиққанидан икки ҳафта ўтгандан кейин қайд этилиб борилган ва ўсимликларнинг сони кейинчалик ноябрь ойининг биринчи ҳафтасида қиш бошланишидан олдин қайта саналди. Кўчатлар муз билан қопланиши учун тажриба участкасидан қор олиб ташланган. Апрель ойининг биринчи ҳафтасида совуққа чидамлилиқнинг ўлчови қуйидаги формула бўйича аниқланган: Қишда қишга чидамлилиқ даражаси (%) = (қишдан кейин ўсимликларнинг сони/қишдан олдин ўсимликлар сони)  $\times 100$ . 2006 ва 2008 йиллардаги совуқ ҳарорат 2007 йилга нисбатан анча кескин бўлган ва уруғ экиш чуқурлиги қишда қишга чидамлилиқ даражасига таъсир кўрсатган. Қишга чидамлилиқ даражаси

2006, 2007 ва 2008 йилларда тегишлича 54,2 фоиздан 68,9 фоизгача, 49,9 фоиздан 81,3 фоизгача ва 28,5 фоиздан 60,2 фоизгача оралиқда бўлган. 2007 йилда тупроққа ишлов бермай экиш технологияси амалиётида уруғ экиш чуқурлиги 4 см бўлганда қишга чидамлилиқ кўрсаткичи энг юқори (81,3%), 2008 йилда тупроққа анъанавий тарзда ишлов бериб уруғ 1 см чуқурликка экилганда энг кам қишга чидамлилиқ кўрсаткичи (28,5%) қайд этилган. Тупроққа анъанавий ишлов беришга нисбатан унга ишлов бермай тўғридан-тўғри экиш усули қўлланганида кузги буғдой ҳосилдорлиги юқори бўлган. Кузги буғдой дон ҳосилдорлиги уч йил давомида тупроққа ишлов бериш усулига (<.001) сезиларли даражада боғлиқ эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, 2008 йилда 2006 ва 2007 йил билан таққослаганда дон ҳосилдорлиги нисбатан энг паст бўлди. Бу кўрсаткич 2008 йил давомида ҳаво ҳарорати  $-31^{\circ}\text{C}$  даражагача пасайган қишги ўта совуқ ҳароратнинг натижасидир. Максимал ҳосилдорлик 2007 йилда қайд этилди ва умумий уч йиллик ҳосилдорлик 0,96–3,57 т/га оралиғида бўлган (1-расм). Энг юқори ҳосилдорлик (гектарига 3.57 т/га) 2007 йилда, яъни уруғ экиш чуқурлиги 4 см. бўлган ва тупроққа ишлов бермай тўғридан-тўғри экиш усули қўлланганида қайд этилган. Уруғ экиш чуқурлиги 4 ҳамда 6 см. бўлганда ва тупроққа ишлов бермай тўғридан-тўғри экиш усули қўлланганида кузги буғдой ҳосилдорлиги уруғ экиш чуқурлиги 2 см. ни ташкил этган вариант билан билан таққослаганда тегишлича 20% ва 10 фоизга ошган. Тупроққа анъанавий тарзда ишлов бериш усулида уруғ экиш чуқурлиги 4 см. ва 6 см. бўлганида ҳосилдорлик мос равишда 16 ва 12 фоизга ошди. 2008 йил давомида қишги мавсумда қор бўлмаганлиги ва ҳароратнинг пастлиги кузги буғдой ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, бу эса ҳосилдорликнинг озайишига олиб келган.



**1-расм:** Тупроққа ишлов бериш усули ва уруғ экиш чуқурлигининг кузги буғдой ҳосилига таъсири.

**Қашқадарёнинг оч тусли бўз тупроқларида тупроққа ишлов бериш усуллари**нинг тупроқ зичлигига (ҳажм массасига) ва ғоваклигига таъсири. Тупроққа ишлов бериш усуллари тупроқ ҳажм массасига катта таъсир ўтказганлиги ўтказилган тажриба натижадарига кўра аниқланган. Шудгор қилинмаган вариантларда тупроқни ҳажм массаси ( $1,26 \text{ г/см}^3$ ) 0–20 смда чуқурликда пастроқ эканлиги аниқланган бунга асосий сабаб қилиб тупроқни устки қатламларида ўсимлик қолдиқларининг бўлиши қўрсатишимиз мумкин (2–расм). Энг юқори тупроқ зичлиги ( $1,58 \text{ г/см}^3$ ) 0–60 смда тупроққа ишлов берилмаган вариантда қайд этилган. Тупроққа ишлов берилмаган ва анъанавий ишлов бериш усулларида ўртача тупроқ зичлиги минимал ишлов беришга нисбатан паст бўлганлиги қайд этилган.




2–расм: Тупроққа ишлов бериш усулларининг тупроқ ҳажм массасига таъсири (2012–2014).

**Қашқадарё вилоятининг суғориладиган майдонларида тупроққа турли ишлов бериш усуллари**ни ва экиш муддатларини қўллаган ҳолда кузги буғдой етиштириш. Қашқадарёда тупроққа ишлов бермай тўғридан–тўғри экиш усулида экиш муддати 30 октябрь бўлганида уч йилда ўртача энг юқори дон ҳосилдорлиги қайд этилган ва худди шундай кўрсаткич экиш муддати 20 октябрь бўлганида ҳам кузатилди. Турли ишлов бериш усуллари бўйича буғдой донининг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 4,39 дан 6,56 тонна/га гача бўлганлиги қайд этилган. Анъанавий экиш усулида 10 ноябрь экиш муддати экилганда кузги буғдой ҳосилдорлиги 4,39 тонна/гани ташкил этгани ҳолда тупроққа ишлов бермай тўғридан–тўғри экиш усулида 30 октябрь экиш муддатида кузги буғдой ҳосилдорлиги 6,56 тонна/га тенг эканлиги тажриба натижалари бўйича аниқланган. Тупроққа ишлов бериш усуллари орасидаги самара фарқ қилгани боис экиш муддатларининг ҳосилдорликка

таъсири ҳам сезиларли бўлган. Дисперсион анализ таҳлили шуни кўрсатдики, ерга ишлов бериш усули ва уруғ экиш миқдори буғдойнинг ҳосилдорлигига сезиларли таъсир қилади. Тадқиқот ўтказилган йилларда экиш миқдори ва тупроққа ишлов бериш усулларининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлиги аниқланган. Бундан ташқари, тупроққа ишлов бериш усули билан уруғ миқдори ўртасидаги боғлиқлик дон ҳосилдорлигига сезиларли даражада таъсир этган. 2013 йилда тупроққа ишлов бермай тўғридан-тўғри экиш усулида етиштирилганда ва экиш меъёри 5 млн. унувчан уруққа тенг бўлганда энг юқори 6,71 т/га дон ҳосили олинган. Тупроққа анъанавий ишлов бериш усулида ва экиш миқдори 5 млн унувчан уруғ экилган вариантда эса дон ҳосили 6,54 т/гани ташкил этган. Тупроққа ишлов бермай тўғридан-тўғри экилган кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлигини оширишга таъсири тупроққа анъанавий тарзда ва минимал ишлов бериш усулидагига қараганда юқори бўлиши аниқланган.


**Тожикистон республикасининг суғориладиган ерларида тупроққа турли ишлов бериш усулларининг кузги буғдой ҳосилдорлиги таъсири.** Тупроққа анъанавий ва тўғридан-тўғри ишлов бериш усуллари ўртасидаги фарқ кузги буғдой куруқ масса ҳосилдорлигига таъсир этиши ўсимликнинг ўсиш даврида озикланиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги аниқланган (3-расм). Куруқ масса ҳосилдорлиги тупроққа ишлов бериш усулига қараб 4,10 дан 4,36 т/га гача ўзгариб турди. Энг кўп куруқ масса ҳосилдорлиги (4,36 т/га) тупроққа ишлов бермай тўғридан-тўғри экиш усули қўлланилган майдонларда қайд этилган, энг кам куруқ масса ҳосилдорлиги (4,10 т/га) тупроққа анъанавий тарзда ишлов бериш усулида кузатилган. Бунда ерга ишлов беришнинг уч хил усули ўртасидаги фарқ 0,26 т/га ни ташкил этди, бу фарқ унчалик катта эмаслигини қайд этиш мумкин.



**3-расм:** Тожикистоннинг суғориладиган майдонларида тупроққа ишлов бериш усулининг кузги буғдой куруқ массаси ҳосилдорлигига таъсири (2014–2016 йй).




**Жанубий Қозоғистон шароитида тупроққа ишлов бериш усуллари ва экиш муддатларининг маккажўхори ҳосилдорлигига таъсири.** Дон ҳосилдорлиги бўйича натижалар (4-расм) 30 апрелда тупроққа ишлов бермай тўғридан-тўғри экишда ва тупроққа анъанавий ишлов беришда энг юқори дон ҳосили мос равишда 7,41 ва 6,80 т/га ни ташкил қилганлигини кўрсатган. Ҳосилнинг камайиши экиш муддатига боғлиқ бўлиб, олинган натижаларга кўра, маккажўхори дон ҳосилдорлиги эрта ва кеч экиш муддатларида гектарига 3,0 ва 0,7 тоннагача камайган.



**4-расм:** Жанубий Қозоғистонда экиш муддати ва тупроққа ишлов бериш усуллариининг маккажўхори дон ҳосилдорлигига таъсири.

**Тўртинчи боб "Қишлоқ хўжалигида тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи технологияларда сувдан фойдаланиш ва экинларни етиштиришнинг такомиллаштирилган технологиялари"** деб аталади. Ушбу бобда тадқиқотлар олиб борилган майдонларда сувдан фойдаланиш ва экинларни етиштиришнинг такомиллаштирилган технологиялари синовдан ўтказилган. Жўякли усулда суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалигида тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи технологиялар самарали бўлишига эришиш мақсадида ерни аввал лазер ёрдамида текислаш талаб этилади. Ерни лазер ёрдамида текислаш 0 – 0,2 фоизгача доимий нишаб ҳосил қилиш учун уни лазер билан жиҳозланган механизмлар ёрдамида текислаш жараёнидир. Мазкур усул ернинг юқори даражадаги текислигига эришилиши билан ажралиб туради ва жараённинг ўзи сувни тежаш ва дон ҳосилдорлигини ошириш учун катта имкониятлар яратади.




5–расм. Экиш усулларининг кузги буғдой дон ҳосилдорлигига таъсири (2012–2013 йй).

**Жанубий Қозоғистон ва Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ерларида экиш усуллари ва навлари.** Экиш усули ва навлари учун вариация коэффицентининг ўртача қиймати мингта дон вазнида  $V$  3,5 фоиздан ва дон ҳосилдорлигида эса  $V$  22,4 фоизгача бўлган. Тупроққа ишлов беришнинг ўзгариш коэффиценти ушбу синов учун ўртача ( $V = 21,0\%$ ) ва ўсимликнинг бўйида ( $V = 4,6\%$ ) эканлигини кўрсатган. Экиш усули дон ҳосилдорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатди (5-расм). Дон ҳосили ҳақидаги маълумотлар барча нав ва йиллар бўйича анъанавий экиш билан таққослаганда пуштага экиш энг юқори кўрсаткичларга эга эканлигини тасдиқлади. Пуштага экишда “Жайхун” ва “Туркистон” навлари тегишлича 6,97 ва 6,92 т/га миқдордаги юқори ҳосилдорликни кўрсатган. Уруғ экиш усулига қараб, уруғ меъёрининг юқори миқдори ҳар доим ҳам ҳосилдорликнинг ошишига ёрдам бермаслиги, аксинча, уруғ меъёрининг кам миқдори тупроққа ишлов беришнинг самарали омиллари билан биргаликда доннинг катталиги, бошоқдаги дон миқдори ва 1000 та уруғнинг вазни ортишига олиб келиши ҳамда ҳосилдорлик ошишига ёрдам бериши кузатиш мумкин.

**Тожикистонда экиш усуллари ва кузги буғдой навлари.** Тожикистоннинг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқларида пуштага экиш усулидан фойдаланилганда қуруқ масса ҳосилдорлиги 4,70 т/га ни ташкил этган. Энг кам қуруқ масса ҳосилдорлиги (3,52 т/га) кузги буғдойнинг “Алекс” нави анъанавий усулда экилганда кузатиш мумкин. Ҳар икки – “Ормон” ва “Алекс” навларини анъанавий экиш усулида етиштирилганда ҳосилдорлик паст бўлганлигини ва икки экиш усуллари орасидаги фарқ унча катта эмаслиги қайд этилди. “Ормон” нави “Алекс” навига нисбатан иккала усулда ҳам юқори ҳосил

берди. Пуштага экиш усулида ҳосилдорлик анъанавий экиш усулига қараганда юқори эканлиги 6-расмда кўрсатилган. Иқтисодий таҳлил натижалар ҳар гектарга нисбатан АҚШ долларарида ифодаланганда энг юқори даромад (842 ва 873) “Алекс” ва “Ормон” навларини пуштага экиш усулида кузатилган. Анъанавий экиш усулида кузги буғдойнинг “Алекс” ва “Ормон” навлари бўйича энг паст даромад (224 ва 189) қайд этилган. Сарф-харажатлар таҳлилининг дастлабки натижалари, пуштага экиш ва анъанавий экиш усуллари ўртасида сезиларли даражада фарқ борлигини кўрсатган.




**6-расм:** Тожикистоннинг ўтлоқи бўз тупроқларида экиш усуллариининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири (2013–2015 йй).

### **Қашқадарё шароитида пуштага экиш ва ўғитларни қўллаш.**

Ўғитларни қўллаш миқдорининг оширилиши маълум миқдорга етгунга қадар ҳосилдорликни ошириб боради, ундан кейин эса ҳосилдорлиги камайишига олиб келди. Энг юқори дон ҳосилдорлигига пуштага экиш ва азот 180 (ПЭ N180) кг/га миқдорида бўлганда эришилди ва уч йиллик статистик таҳлиллар вариантлар орасида сезиларли фарқ борлигини кўрсатган.

Энг юқори ҳосилдорлик (8,02 т/га) азот миқдори 180 кг/га бўлганида ва энг кам ҳосилдорлик (5,27 т/га) азот миқдори 220 кг/га бўлганида (7-расм) кузатилган бўлса, анъанавий экиш усулида (АЭ N) кузги буғдой ҳосилдорлиги 6,00 т/га ни ташкил қилган. Уч йиллик ўртача маълумотларга кўра, пуштага экиш усули ва азот 180 кг/га миқдорида қўлланилиши кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги юқори бўлишига олиб келиши тамойили кузатилди. Тажириба натижаларига кўра, Қашқадарёнинг оч тусли бўз тупроқларининг суғориладиган шароитида буғдой етиштиришда азотли ўғитларнинг қўлланилиш самарадорлигини ва дон ҳосилдорлигини ошириш учун буғдойни пуштага экиш усулида етиштириш мақбул эканлиги аниқланган.



7-расм: Қашқадарёнинг оч тусли бўз тупроқларида экиш усули ва азот қўллаш миқдорининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири (2011–2013йй).

